SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 14-OKTABR ■ SESHANBA ■ 121 (27.141) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.



ЯНГИ ЦЕХ ИШГА ТУШДИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун турли хил маҳсулотлар ва зарур хом ашёлар етказиб берувчи корхоналар сони тобора кўпайиб бормоқда. Фарғона вилояти Қиргули туманидаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шундай корхоналардан бири.

— Азот ўсимликлар учун зарур озиқ элементларидан бири, — дейди корхона оператори Турсунбой Маҳамадиев. — У оддий ва мураккаб оқсиллар, нуклеин кислота, хлорофилл, алколоид, шунингдек, айрим дармондори ва ферментлар таркибига киради. Ўсимликларнинг озиқланишида азот манбаи бўлиб, аммоний ва нитрат тузлари хизмат қилади. Айни шу жиҳатлардан ҳам корхонамиз ишлаб чиқараётган минерал маҳсулотлар республикамиз қишлоқ хўжалиги тараққиётида катта аҳамиятга эга.

Оддий операторнинг азотли ўғитлар аҳамиятини худди агрономлардек тушунтириб бериши бизни ҳайратга солди. Бу — корхонада ўз ишининг малакали мутахассислари иш олиб бораётганидан ва уларнинг фидойи меҳнатлари дала соҳибларига мададкор бўлаётганидан далолатдир.

Яқинда корхонада яна бир янги тармоқ — аммиак селитраси ишлаб чиқариш цехи фаолият бошлади. Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган мазкур цехда жаҳон андозаси даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча шарт-шароитлар яратилди. 57 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб этилган бу цехга Чехиянинг «МБАС» фирмаси дастгоҳлари ўрнатилди. Эндиликда бу ерда йилига 450 минг тонна селитра ва 360 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқариш имкони туғилди. Энг муҳими, 360 нафар маҳаллий ёш муқим иш жойи билан таъминланди.

— Биз ишлаб чиқараётган аммиак, — деб фахр билан суҳбатимизга якун ясади Турсунбой Маҳамадиевнинг касбдоши Азим Ҳожиматов, — ўсимликларда азот моддалари алмашинувининг энг зарур унсури ҳисобланади...

Замон АЛИ



Суратларда: бирлашма оператори Турсунбой Маҳамадиев; азот кислотаси ва аммиак селитраси комплексида ишлар компьютерда бошқарилянти; янги тармоқнинг умумий кўриниши.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

2003 ЙИЛ ҲОСИЛИ ПАХТА ХОМ АШЁСИНИ САҚЛАШНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, фермерлар, пудратчилар ва теримчилар томонидан терилган пахта хом ашёсини қабул пунктларига ўз вақтида топширмаслик, пахтанинг мослаштирилмаган жойларда сақланиши, пахта майдонларининг пайҳон қилиниши натижасида кўплаб ҳосилнинг йўқотилишига йўл қўйилмоқда.

Пахта хом ашёсини ўғирлаш ва талон-торож қилиш ҳолларининг тез-тез учраётганлиги, уни республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетишга уринишлар жиддий зарар келтирмоқда. Йиғиб олинган пахта хом ашёси ҳосилининг, кейинчалик уни республика ташқарисига олиб чиқиб кетиш ва сотиш мақсадида хусусий уйларда ва ҳовлиларда яшириш ҳоллари ушбу қонун бузилишларини келтириб чиқараётган сабаблардан биридир.

Фақат биргина ҳолатда Сирдарё туманида яшовчи фуқаролардан бирининг хусусий уйидан 2,2 тонна пахта хом ашёси топилган. Ана шундай ҳоллар Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида, Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида ва республиканинг бошқа минтақаларида ҳам аниқланган.

Вужудга келган аҳвол айрим хўжалик раҳбарлари томонидан назоратнинг бўшаштириб юборилганлиги, уларнинг ҳосилни сақлаш муаммоларидан ўзини четга олаётганлиги, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари томонидан уларга нисбатан талабчанликнинг пастлиги оқибатидир.

Пахта хомашёсини йиғиб-териб олиш, ташиш ва сақлаш вақтида унинг сақланишини таъминлаш, пахтачилик хўжаликлари раҳбарларининг масъулиятини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларга:

Жиззах (У.Яманқулов), Наманган (Т.Жабборов), Сирдарё (Р.Ҳайдаров), Тошкент (У.Мирзақулов) ва Фарғона (А.Отабоев) вилоятлари ҳокимларига, қўшни давлатларга чегарадош туманлар ҳокимларига пахта хом ашёсининг ўғирланиши, талон-торож қилиниши ва республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва туманлар ҳокимларига, қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларига пахта хом ашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилиниши устидан зарур назоратнинг мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари уларнинг пахта хом ашёсининг ўғирланиши, талон-торож қилиниши ва республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетилиши ҳоллларининг ўз вақтида олдини олиш бўйича ишларнинг аҳволи учун шахсан жавоб бериши тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

2. Терилган пахта хом ашёсининг қабул пунктларига ҳар куни топширилиши шарт бўлган тартиб белгилансин.

Пахтачилик хўжаликлари ва қабул пунктлари раҳбарлари пахта хом ашёсининг тўсиқсиз ва узлуксиз топширилиши ва унинг зарур даражада сақланиши учун шарт-шароитларни таъминласинлар.

Терилган пахта хом ашёсининг ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бермайдиган жойларда, шу жумладан хонадонларда ва томорқа участкаларида сақланиши тақиқлансин.

Терилган хом ашёнинг қабул пунктларига ўз вақтида топширилмаганлиги, пахта ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бермайдиган, шу жумладан, хонадонларда ва томорқа участкаларида сақланганлиги учун фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса — етти баравари миқдорида жарима солинади. Қонун бузилиши такрорланган тақдирда фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари, мансабдор шахсларга эса — ўн баравари миқдорида жарима солинади. Жарима солиш мазкур ҳолатлар содир этилган жойдаги ички ишлар органлари томонидан маъмурий жазолаш тартибида амалга оширилади.

Пахта хом ашёсини ўғирлаш ва талон-торож қилиш, уни республика ташқарисига олиб чиқиб кетиш ҳоллари аниқланган тақдирда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, шу жумладан, жиноий жавобгарликка тортиладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) терилган пахтанинг сақланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрсин, профилактика ишларини фаоллаштирсин ва қонунни бузувчиларга нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ равишда қаттиқ чоралар кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров) пахта хом ашёсининг сақланишини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни кучайтирсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, жамоат тузилмаларини ва оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, пахтанинг талон-торож қилинишига қарши кураш бўйича, шу жумладан, ушбу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини ёритиш йўли билан олдини олиш ва профилактика ишларини фаол амалга оширсин.

«Ўзтелерадио» компанияси (А.Кўчимов), Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов), оммавий ахборот воситалари ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг мунтазам ёритилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (А.Полвон-зода) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Ҳ.Жўрабеков ва Т.А.Худайбергенов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил, 13 октябрь

ЮНИСЕФнинг «2003 ЙИЛ ИЖТИМОИЙ МОНИТОРИНГИ» ТАДҚИҚОТИ

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) бюртмасига кўра Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги тадқиқ этилди.

Тадқиқотда 8 мамлакатнинг тарқалиб кетиши ва уларнинг ҳудудида 27 янги давлатнинг пайдо бўлиши жараёнида улар мураккаб иқтисодий бўҳронлар ва низоларни, ижтимоий соҳада мисли кўрилмаган муаммоларни бошидан кечиргани ва аҳолишунослик харитасида ўзгаришлар рўй бергани таъкидланади.

Қиёсий статистик маълумотлар асосида нафақат макроиқтисодий ўзгаришлар суръати, балки амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий жиҳатига ҳам баҳо берилган.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг амалдаги ўсиши 2002 йилда 1989 йилга нисбатан 106,8 фоиз (МДҲ мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткич)ни ташкил этди. Чехия ҳам худди шундай ўсишга эришган. Айни пайтда Молдовада бу кўрсаткич 38,4 фоиз, Россияда 64,3 фоиз, Қозоғистонда 85,6 фоизни ташкил этган.

90-йиллар охиридан бошлаб Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲнинг барча мамлакатларида миллий даромад ўсиши кузатилмоқда. Шу билан бирга Кавказорти мамлакатларида аҳоли жон бошига нисбатан даромаднинг ўсиш кўрсаткичлари энг пастлиги қайд этилган.

Бироқ, айрим мамлакатларда иқтисодий ўсиш аҳоли ўртасида тенгсизликнинг кучайишига олиб келмоқда. «Жини» коэффициентини қўллаб тадқиқот ўтказган экспертлар Грузияда барча даромадлар аҳолининг ярмидан кам қисмида эканлигини, қолганлар тирикчилик учун ҳеч қандай маблағга эга эмаслигини аниқлади. («Жини» коэффициентига кўра, агар аҳолининг барча қисми бир хил даромад қилса, «Жини» 0 га тенг, агар ҳамма даромадлар битта субъектнинг қўлида бўлса, «Жини» 1,0 га тенг. Ривожланган мамлакатларда «Жини» ўртача 0,25-0,35 га тенг бўлиб, бу энг мақбул кўрсаткич ҳисобланади).

(Давоми 2-бетда.)

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

СПОРТ

Суратда: турнир финалчилари (чапдан) Виржиния Руано Паскуаль ҳамда Саори Обаталар.

Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат

Пойтахтимиздаги «Тошкент» теннис марказида аёллар ўртасида бир ҳафта давом этган «Tashkent open» халқаро турнири поёнига етди.

Юртимизда саккизинчи маротаба ўтказилган ушбу нуфузли мусобақанинг яккалик баҳслари финалида Виржиния Руано Паскуаль (Испания) ҳамда Саори Обата(Япония)лар кортга чиқди. Кескин ва муросасиз кечган ҳал қилувчи учрашув испаниялик теннисчининг ғалабаси билан якунланди — 6/2, 7/6(2).

Жуфтлик учрашувларида ғолиблик учун асосий кураш хитойлик Тинг Ли/Тиан Тиан Сун — Юлия Бейгелзимер(Украина)/Татьяна Пучек(Белоруссия)лар ўртасида бўлди. Унда Бейгелзимер/Пучек жуфтлиги хитойлик дугоналарига сабоқ беришди — 6/3, 7/6(0).

Диққат: «Сиртқи қабул соатлари»

СПОРТ — МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ГАРОВИ

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚЎМИТАСИ РАИСИ КОМИЛ ЮСУПОВ ЖАВОБ БЕРАДИ.

Худди кутилганидек бўлди: бу галги «қабул»га олдингиларига нисбатан анча кўп (60 тадан зиёд) саволлар келди.

Мамлакатимизда спортга эътибор катталиги, спорт турмуш тарзимизга айланиб бораётгани, фидойи спорт мухлислари кўплигидан яна бир далолат бу.

Шундай қилиб саволларингиз жавоблари билан танишинг.

2-бет

Газетада босилмади, аммо...

ҚАРОР ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИГАН БЎЛДИ

Деҳқонобод туманидан таҳририятимизга хат йўллаган фуқаро А.Абдимуродов ўз вазифасидан ноҳақ бўшатилганлиги ҳақида мурожаат қилган эди. «2002 йил 16 ноябрь куни ғалла экиш кечикканини сабаб қилиб, туман ҳокими муовини вазифасини бажарувчиси қонунга зид равишда хўжаликда йиғилиш чақириб, ноҳақ мени ишлаб турган вазифамдан озод этди ва шу куни келишилган ҳолда мутахассис тайинлади... Менга амалий ва ижобий ёрдам беришларингизни сўрайман».

Яқинда Деҳқонобод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари имзо чеккан жавоб хатини олдик. Унда жумладан шундай дейилади: «Тумандаги Х.Бегимқулов номли кооператив ширкат хўжалигининг собиқ бош ҳосилоти А.Абдимуродовнинг ишдан ноҳақ бўшатилганлиги ҳақидаги аризаси ўрганиб чиқилди ва қуйидагиларни маълум қиламиз.

Ушбу масала вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари томонидан ҳам ўрганиб чиқилган. Хат муаллифига вилоят ҚСХБнинг 2003 йил 24 июндаги жавоб хати берилган.

Ҳақиқатан ҳам Х.Бегимқулов номли кооператив ширкат хўжалигининг 2002 йил 16 ноябрдаги умумий йиғилиши қарори билан экиш ишлари кечикканлиги ва сифатсиз бажарилганлиги сабабли хўжалик бош ҳосилоти А.Абдимуродов ва бошқалар вазифасидан озод қилинган.

Лекин уларни вазифасидан озод қилишдан олдин Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 182-моддаси талабига кўра тушунтириш хати олинмаган. Уларнинг қай даражада ножўя хатти-ҳаракатлар содир этганлиги аниқланмаган ҳамда хўжалик касаба уюшмаси қўмитасининг розилиги олинмаган. Қарорда Меҳнат Кодексининг моддаси кўрсатилмаган.

Шу сабабларга кўра, фуқаро А.Абдимуродовни ўз вазифасига қайта тиклаш масаласи Х.Бегимқулов номли кооператив ширкат хўжалиги раиси Й.Тошмировга юклатилган.

Деҳқонобод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи У. ТОШБОЕВ.»

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 14 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	674,09	1 Польша злотийси	253,74
1 Англия фунт стерлинги	1622,43	1 СДР	1401,30
1 Дания кронаси	154,92	1000 Туркия лираси	0,70
1 БАА дирхами	265,53	1 Швейцария франки	743,16
1 АҚШ доллари	975,25	1 ЕВРО	1150,80
1 Миср фунти	158,68	10 Жанубий Корея вони	8,51
1 Исландия кронаси	12,88	10 Япония иенаси	90,02
1 Канада доллари	737,99	1 Россия рубли	32,26
1 Хитой юани	117,83	1 Украина гривнаси	182,92
1 Малайзия рингити	256,65		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА
BUSINESS BANK

СПОРТ – МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Комилжон ака, жойларда кўплаб янги спорт иншоотлари қурилаётгани жуда хайрли иш бўлаяпти. Бироқ, спорт анжомлари топиш қийин, борлари қиммат. Шу масала бўйича қандай фикрдасиз?

Аъзамжон ҲАКИМОВ,
Чортоқ шаҳри, 40-мактаб ўқитувчиси.

(Худди шундай саволни Шовот туманида яшовчи Султонбой ЖУМАНИЁЗОВ ҳам йўллаган).

— Спорт анжомлари масаласи бугунги кунда жуда долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Хабарингиз бўлса, спорт кийимлари ва анжомлари бозорини ривожлантириш борасида қатор ташкилот ва вазирликларнинг ташаббуси билан «Ўзбекенгилсаноат»да спорт кийимлари ва анжомлари кўргазмаси ўтказилди. Бундан ташқари, кўплаб вилоят ва шаҳарларда шунга ўхшаш кўргазмалар ташкиллаштирилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар замонавий спорт анжомлари ишлаб чиқаришга имкон яратмоқда. Шу кунларда бир қатор хусусий тадбиркор ва кичик корхоналар билан биргаликда Давлат спорт қўмитаси бозор талабини ўрганган ҳолда спорт анжомлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида изланишлар олиб бормоқда. Бу келажакда ўзимизбоп, жаҳон бозори талабига жавоб берадиган спорт либослари ва анжомлари яратилишига ҳизмат қилади, деб ўйлайман.

— Ўқувчи ва ўқитувчилар учун жисмоний тарбия дарсликлари, қўлланмалар, методикалар йўқ ҳисоби. Бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти?

Акром ХУДОЙҚУЛОВ,
Навоий шаҳри

(Нукус шаҳар халқ таълими бўлимининг жисмоний тарбия методисти Сапсизбой САПАРНИЁЗОВ ҳам худди шундай савол билан мурожаат қилган).

— Бу муаммолар жисмоний тарбия ва спорт тизимида глобал масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Халқ таълими вазирлиги ва Давлат спорт қўмитаси ҳамкорлигида умумий таълим мактаблари учун янги дарслик ва ўқув адабиётларини нашр қилиш учун 12 нафар кишидан иборат муаллифлар гуруҳи тузилди. Бундан ташқари Давлат жисмоний тарбия институти ва республика Олимпия заҳиралари коллежи профессор-ўқитувчилари томонидан дарслик ва ўқув қўлланмалар режаси ишлаб чиқилди. Шу йилнинг февралида Тошкентдаги республика Олимпия заҳиралари коллежида «Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлов йўналишлари бўйича тармоқ таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларга қўйиладиган янги талаблар» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди. Ҳозирги кунда мутахассис олимлар томонидан бу борада аниқ ишлар амалга оширилаяпти.

— Шахмат бўйича Ўзбекистон биринчилиги совриндори бўлганман. Ўзбекистон спортнинг шахмат тури бўйича ҳам дунёдаги кўзга кўринган давлатлардан бири бўлиб қолди. Бироқ, республикамизда шахматни янада оммавийлаштириш имкониятларидан фойдаланилмаяпти. Масалан, вилоятларда шахмат федерациялари ишлаб турибди. Лекин, шаҳар ва туманларда федерациянинг бўлимлари мавжуд эмас. Ҳолбуки, истеъдодлар туманларда истаганингизча топилади. Уларнинг бошини қовуштириш, қўллаб-қувватлаш учун турли мусобақалар уюштиришда федерациянинг қуйи шахобчалари бўлиши маъқул эмасми?

Муҳаммадали ИСОҚОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби.

— Федерацияларнинг қуйи шахобчалари масаласи фақат шахматгагина тегишли эмас. Бу, республикамиздаги барча федерациялар учун ечимини кутиб турган муаммолардан бири ҳисобланади. Шахмат масаласига келсак, хабарингиз бўлса, яқинда Ўзбекистон шахмат федерациясининг янги раҳбарияти сайланган эди. Қисқа фурсатда федерациянинг ташаббуси билан юртимизнинг юзлаб маҳаллаларида шахмат тўгараклари ташкил этилди ва этилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар ватанимиз фахри бўлган 7 нафар гроссмейстерларимиз, 31 нафар спорт усталари сафининг кенгайишига, яна ўнлаб жаҳонга машҳур шахмат юлдузлари етишиб чиқишига замин яратади.

— «Универсиада», «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» мусобақаларида ҳакамлар тўғрисида эътирозлар эшитяпмиз. Бу масалада қандай фикрдасиз?

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
Нукус шаҳри.

— Аввало, шуни айтиш керакки, Юртбошимиз ташаббуси билан яратилган бир-бири билан чамбарчас боғлиқ уч босқичли узлуксизлик бу тизим кўп мамлакатлар эътиборини тортди. Аҳамияти жиҳатидан бебаҳо бўлган бу ўйинларга республикамизнинг энг кучли ҳакамлар тайинланади. Тўғри, янги хайрли ташаббус ҳаётга татбиқ этила бошланганда камчиликлар бўлиши табиий жараён. Норозиликлар асосан жамоалар таркиби бўйича бўлиб ўтмоқда. Давлат спорт қўмитаси бу масала бўйича тегишли чора-тадбирларни белгиламоқда.

— Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда катта ишлар амалга оширилаётган бир пайтда шаҳар ва туманларда спорт қўмиталарининг тугатилишини қандай изоҳлаш мумкин?

Куаниш ШАМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ташкилий бўлим мудири.

(Шундай мазмундаги саволни ғиждувонлик Самад НОРОВ ҳам йўллаган).

— Бугун боқибеғамлик, ўзибўларчилик, лоқайдлик, бизга шу ҳам бўлаверади каби енгил-елпи қарашларнинг даври эмас. Тан олиш керакки, жойлардаги туман спорт қўмиталарининг замон талаблари даражасида иш юритолмаслиги кўплаб муаммоларни юзага келтирди. Шу жиҳатдан туманлардаги спорт қўмиталари иш тизимини давр талабларига мослаштириш мақсадида жаҳон тажрибаси асосида янги тизим устида иш олиб бормоқдамиз. Масалан, Қашқадарё вилояти ҳокимининг ташаббуси билан Шаҳрисабз туманида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш Маркази ташкил этилди. Ушбу Марказ туманда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантирувчи асосий орган ҳисобланади. Шу каби марказлар республикамизнинг барча худудларидаги туман ва шаҳарларда тузилиши юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда. Ушбу Марказ ўз самарасини беришига ишончим комил.

— Календарь режа бўйича йилига 300 дан кўпроқ мусобақада қатнашишга ва уни ўтказишга тўғри келади. Бироқ спорт мусобақаларига ажратилган маблағларнинг миқдори йил сайин камайиб бораяпти. Давлат бюджети томонидан етарли даражада маблағ ажратиш имконияти борми?

Ёки бизга қандай маслаҳат берасиз?

Владимир БЕГЛАРЯН,
Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ўқув-спорт бўлими мудири.

— Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, мусобақа ва турнирлар ўтказиш, юртимиз спортчиларининг нуфузли мусобақаларда ватанимиз шарафини ҳимоя этиши учун давлат бюджетидан етарли даражада маблағ ажратилади. Бундан ташқари, Халқ таълими, Олий таълим, «Ватанпарвар», Касаба уюшмалари, Камолот, «Маҳалла», «Соғлом авлод» жамғармалари каби бир қатор вазирлик ва ташкилотлар йил мобайнида спорт тадбирларига керагича маблағ ажратишади.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам худди шундай. Лекин бир нарсани унутмаслик лозимки, фақат давлат маблағига қараб қолмасдан ҳар бир идора, ташкилот ташаббус кўрсатмоғи, ишга янгича талаблар асосида ёндашмоғи керак. Айниқса, спорт федерациялари жаҳон тажрибалари асосида фаолият юритмоғи, ўз маблағлари ҳисобидан анъанавий турнирлар ташкил этмоғи лозим.

— Бу йил маҳаллалар ўртасида футбол бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги (40 ёшдан юқори) ўтказилаяпти. Лекин учрашув ўтказиладиган майдон ва ҳакамлар учун жамоалардан пул йиғиб олинмоқда. Шу тўғрими?

Муҳаммаджон АҲМЕДОВ,
Тошкент шаҳри.

— Бу нотўғри. Шаҳар футбол федерациясидан берилган ахборотга қараганда фахрийлар ва болалар ўртасидаги мусобақаларни ўтказишга жалб этилган ҳакамларга иш ҳақи тўланмайди. Сизда шу хусусда аниқ маълумотлар бўлса, бизга мурожаат этинг.

— Республикамизда спорт мактабларининг разряд коэффициенти қачон тенглаштирилади ҳамда янги спорт классификацияси қачон тасдиқланади?

Евгений КОГАЙ,
Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри.

— Республикамизда спорт мактабларининг коэффициент разряди мураббийлар сонига қараб белгиланган. Олий разрядли спорт мактабини ташкил этиш учун 30 нафар, биринчи разрядли спорт мактабини ташкил этиш учун 20 нафар, иккинчи разрядли спорт мактабини ташкил этиш учун 14 нафар ва учинчи разрядли спорт мактабини ташкил этиш учун 8 нафар олий жисмоний тарбия маълумотига эга бўлган мураббий бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига асосан ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилиши лозим. Шу кунларда ягона спорт классификацияси Низоми Адлия вазирлигига тақдим этилган, у эксперт гуруҳи томонидан кўрилмоқда.

— Бугун «Спортчининг маънавияти» ибораси тез-тез тилга олиняпти. Спортчининг маънавияти деганда сиз нимани тушунасиз? Умуман спортчи маънавиятининг аҳамияти нимада?

Маҳмуд ЭШТЎХТАРОВ,
Қашқадарё вилояти.

— Инсоният бошига қандай кулфат тушган бўлса, бу маънавий қашшоқлик сабабли деб ўйлайман. Бугун жаҳоннинг турли нуқталарида содир бўлаётган хунрезликлар, миллатчилигу шовинистик қарашларнинг туб негизида маънавий қашшоқлик ётади.

Бевосита саволингизга келсак, маънавий етук спортчигина жасорат кўрсатишга қодир бўлади, халқнинг қаҳрамонига айлана олади. Миллати, давлати тарихидан бохабар, қадриятларига муҳаббати чексиз, бир сўз билан айтганда қалби ватанпарварлик туйғуси билан лиммо-лим спортчини маънавий етук дейиш мумкин. Спортчи том маънода мамлакатининг юзи, фахр-ифтихори. Жаҳон чемпионатлари ёки олимпиада ўйинлари шоҳсупасига ўз спортчиси кўтарилса, унинг ғалабаси шарафига давлат мадҳияси янграса, Ватан байроғи кўтарилса, қайси миллат ғурурланмайди?! Шундай шарафга катта қалб эгаси бўлган маънавияти етук спортчиларгина эриша олади.

— Футбол ҳакамларига нисбатан эътирозлар кўп бўлаяпти. Футбол учрашувлари ҳалол ўтишини таъминлаш учун қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

Алишер АБДУЛЛАЕВ,
Ҳабибиллоҳ КАРИМОВ, Наманган шаҳри, «Бураматут» маҳалласи.

— Футбол жамоавий ўйин. Бундай жозибакор ўйинга профессионал ҳакамлик қилиш мухлислар учун оддий ҳолга ўхшасада, аслида жуда мураккаб. Қолаверса, футбол учрашувлари миллионлаб нигоҳлар гувоҳлигида ўтади. Ҳакамларнинг хатоси эса кафтдагидек кўриниб туради. Ўзбекистон футбол федерацияси баҳорда ва ёзда ташкиллаштирган тест синовларидан 9 нафар ҳакам ўта олмаган. Шу кунгача 8 нафар ҳакам турли даражадаги хатоликлари учун мусобақалардан четлатилган. Ишга ана шундай талабчанлик ва холислик билан ёндашилса, ҳакамларнинг одиллиги, футбол ўйинлари ҳалол ўтиши таъминланади.

Бундан ташқари ҳакамлар профессионал билим даражасини янада ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тўғрисида ўйламоқдамиз. Юқори даражадаги мусобақаларни бошқарадиган ҳакамлардан Давлат мадҳиясини, рамзларини билиш, ватан тарихидан хабардорлик каби хусусиятлар талаб этилмоғи лозим. Айни кунларда нафақат футбол, балки барча спорт турларидаги ҳакамларнинг профессионаллигини ошириш юзасидан махсус дастур устида иш олиб борилмоқда.

— Сиз билан бўлган матбуот анжуманларидан бирида «Жисмоний тарбия ва спорт» нашриётининг очилиши ҳақида фикрлар айтилган эди. Бу масала бўйича қўмита томонидан бир қарорга келиндими?

Мирбахтиёр ШОАНВАРОВ,
Тошкент шаҳри.

— Бу масала бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилган.

— Афинада ўтадиган Олимпиадада мамлакатимиз вакилларидан неча спорт тури бўйича қатнашиш режалаштирилган? Қанча спортчи, мутахассис, шифокор, журналист ва мухлисларнинг иштирок этиши кўзда тутилмоқда? Спортчиларимизнинг Олимпиадада нечта олтин, кумуш, бронза медалларини қўлга киритишлари режалаштирилмоқда?

Толиб СУЯРОВ,
Сирдарё тумани.

— Олимпиада йўлланмасини қўлга киритиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди, бунинг учун спортчи улкан довонни забт этмоғи лозим. Яъни, Олимпиада йўлланмасини берувчи нуфузли мусобақаларда муваффақиятли қатнашмоғи керак. Бу борада давлатимиз спортчиларга барча шарт-шароитни муҳайё этган. Шу кунгача еттита спорт туридан 16 нафар спортчимиз Олимпиада йўлланмасига эга бўлди. Афина Олимпиадасига имкон қадар кўпроқ йўлланма учун курашамиз.

Медаллар қанча бўлишини эса Афинада сарҳисоб этамиз. Бироқ, худо хоҳласа, олтин, кумуш, бронза медалларини қўлга киритишга тўла асос бор.

Мутахассислар, шифокорлар, журналистлар ва мухлисларнинг Олимпиада ўйинларидаги иштироки масаласи ХОҚ ажратадиган квотага асосан белгиланади.

— Мамлакатимизда футболга давлат миқёсида катта эътибор берилаётир. Аммо йигитларимиз халқаро мусобақаларда суст қатнашяпти. Бунинг сабаби нимада? Қачон футболчиларимиз жаҳон майдонларида ўзларини кўрсатишади?

Йўлдош ТУРДИЕВ,
Денов.

— Мамлакатимизда футболга бениҳоя катта эътибор бериляпти. Бу борада ҳукуматимиз қатор қарорлар қабул қилди, имтиёзлар яратди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозир юртимиз футболида катта ўсиш бор. 2002 йили Ўзбекистон футболи тарихида илк бор ўсмирлар терма жамоамиз жаҳон чемпионати саралаш мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, шу йил ноябрь ойида Бирлашган Араб Амирликларида ўтадиган финал ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу тарихий воқеа, албатта. Аммо футболимизда муваффақиятларга эришиш билан биргаликда ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Футболчиларимизда ватанпарварлик туйғусини янада кучайтирмоқ лозим. Мураббийларимизда эса дунёдаги илғор тажрибалар асосида иш юритиш амалиётини йўлга қўймоқ зарур. Шу мақсадда Давлат спорт қўмитаси ва Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамкорликда режа асосида иш олиб бормоқда.

— Ўзбек курашининг Халқаро мақом олганидан мамнунмиз. Халқаро мусобақалар бўлаётгани нур устига аъло нур. Энди битта савол: курашимиз Олимпиада ўйинлари дастуридан қачон ўрин олиши мумкин?

Ўктам ШУКУРОВ,
Жиззах шаҳри, «Иттифоқ» маҳалласи.

— Бундай саволларни тез-тез эшитиб турибман. Бу бежиз эмас, албатта. Кураш олимпия ўйинлари дастурига киришини ҳаммамиз орзиқиб кутаяпмиз. Аммо, тўғрисини айтай, бундай шарафга эришиш осон эмас. Жаҳон тажрибасидан маълумки, ўз миллий спорт турини жаҳон спортига айлантирган давлатлар бармоқ билан санарли. Лекин бу жараён учун улар бир неча ўн йиллар давомида заҳмат чекканлар.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидамоқчиман, курашни олимпия ўйинларига олиб чиқиш — бу халқимизнинг, миллатимизнинг бебаҳо ютуғи бўлади. Яқин келажакда кураш олимпия спорт турлари оиласидан жой эгаллашига ишончим комил. Кураш Халқаро Ассоциациясининг 5 йиллик фаолияти давомида эришилган ютуқлар шундай хулоса қилишга тўла асос бўла олади. 5 та конфедерация, 73 та давлатда кураш федерацияси фаолият кўрсатаётгани курашимиз нуфузи дунёда тобора юксалиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Ҳозир асосий вазифаларимиздан бири — курашни болалар ва ўсмирлар ўртасида янада кенг тарғиб қилиш. Ҳар бир спорт турининг ўз ўрни, мавқеи бор. Аммо кураш биз учун энг қадрли, энг азиз спорт тури эканлигини, бунинг сабабларини ёшларимизга тушунтирмоғимиз керак.

— Спорт федерацияларининг фаоллигини ошириш борасида қандай ишлар амалга оширилаяпти?

Абдухалил ҲАЙДАРОВ,
Қува тумани.

— Мамлакатимизда 70 дан ошиқ спорт турлари ривожланмоқда. Уларнинг маълум бир қисми расмий ўз федерацияларига эга. Юртимизда Футбол, теннис, бокс, эркин ва юнон-рум кураши, сузиш, волейбол федерацияларининг иш юритиши талаб даражасида. Федерация — жамоат ташкилоти. Федерация ўз спорт турини ривожлантиришга, оммалаштиришга, спортчилар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтиришга масъул ташкилотдир. Ҳозирда Давлат спорт қўмитасида федерацияларнинг фаолиятини ошириш юзасидан муайян ишлар қилинаяпти. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, 10 дан ошиқ федерация билан шартномалар имзоладик. Шартномадан кўзланган асосий мақсад, федерацияларнинг ўрни ва ролини ошириш, унга етарлича ҳуқуқ ва ваколатларни беришдан иборат. Бу федерацияларнинг мустақиллигини мустаҳкамлайди.

— Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг келажагини қандай тасаввур этасиз?

Мухиддин АБДУРАҲМОНОВ,
Термиз.

— Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Юртбошимиз ташаббуси билан жуда улуғ мақсадларни кўзлаб ташкил этилди. Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда, миллат саломатлигини мустаҳкамлашда, юртимизда юзлаб спорт-соғломлаштириш клублари вужудга келишида бу жамғарма катта аҳамият касб этади. Президентимиз таъкидлаганларидек, яқин келажакда болалар спорти халқ ҳаракатига айланади. Яна бир эътиборли ҳолат шундаки, дунёдаги қатор ривожланган давлатлар бугун Ўзбекистон тажрибасига қизиқиб қарамоқда, ўрнак олмоқда. Бундан икки ой муқаддам Россияда 2004 йилни болалар спорти йили, дея эълон қилиш таклифи ўртага ташланди. Яқинда Россия Президенти болалар спортига алоҳида эътибор бериш масаласи бўйича йиғилиш ўтказди. Кўриниб турибдики, биз тўғри йўл танлаганмиз, бошқалар ўрганса арзигулик ишларни амалга ошираяпмиз. Бугун қилаётган меҳнатларимиз яқин келажакда ўз самарасини беришига ишончим комил.

Равшан ШОДИЕВ,
Муҳаммаджон АҲМЕДОВ
тайёрлади.

Диққат: «Сиртқи қабул соатлари»

ЮНИСЕФнинг «2003 ЙИЛ ИЖТИМОИЙ МОНИТОРИНГИ» ТАДҚИҚОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Россия, Қирғизистон ва Қозоғистонда ҳам Грузиядаги вазият юзага келган. Уларда «Жини» 0,512-0,514 даражада. (МДҲ мамлакатлари орасида энг паст кўрсаткич).

Тадқиқотда аҳоли турмуш даражасида ҳақиқий ўзгаришни таъминлаш учун иқтисодий ислоҳотлар самарали ижтимоий сиёсат билан уйғун бўлиши лозимлиги таъкидланади.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, соғлиқни сақлаш, мактаб ва касб-ҳунар техник таълимига сарфланаётган давлат харажатлари ҳажми Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда энг юқори.

Ўзбекистонда аниқ мақсадга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида болалар, ёшлар, оила, оналик ва кексаларга ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган махсус дастурлар ижросининг таъминланаётганлиги туфайли аҳолининг нисбатан ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш даражасини ифодаловчи қуйидаги кўрсаткичларга эришилди:

1. Ўзбекистонда туғилаётган болаларнинг атиги 4,7 фоизи 20 ёшгача бўлган оналарнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига нисбатан энг яхши кўрсаткичлардан биридир (Польшада — 7,0 фоиз, Венгрияда — 7,4 фоиз, Словакияда — 9,1 фоиз). МДҲ мамлакатларида бу кўрсаткич 8,8 фоиздан (Қирғизистон) 16,3 фоизгача (Молдова) ташкил этади.

2. Ўзбекистонда 20 ёшгача бўлган оналарнинг никоҳсиз бола туғиши Шарқий Европанинг кўпгина давлатларидагига нисбатан уч баробар, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондагидан икки баробар кам.

3. Ўзбекистонда гўдакларнинг ўлими кескин камайди, яъни илгари ҳар 1000 нафар чақалоқдан 38,1 нафари нобуд бўлган бўлса, бу кўрсаткич истиқлол йилларида 18,3 нафаргача тушди. Бу Марказий Осиёда энг яхши кўрсаткичдир. Оналар ўртасида ҳам ўлимнинг кескин камайиши кузатилмоқда, яъни ҳар 100 минг ҳомиладор аёлдан 42,8 нафари туғиш жараёнида ҳаётдан кўз юмган бўлса, бу кўрсаткич мустақиллик йилларида 33,5 нафаргача камайди. Ҳолбуки, ушбу кўрсаткич Қозоғистонда 50, Қирғизистонда 43,8, Тожикистонда 45,4 нафарни ташкил этади.

4. Сўнгги 12 йилда Ўзбекистонда абортлар сони уч баробар камайиб, бугунги кунда ҳомилани сунъий тушириш Эстониядагидан 10 баробар, Россиядагидан 15 баробар, Қозоғистондагидан 6 баробар, Туркманистондагидан 2 баробар кам рўй бермоқда.

5. Ўзбекистонда ўлимнинг умумий даражаси 1000 кишига нисбатан 5,3 нафарни ташкил этади, бу Шарқий Европа давлатларидагидан ўртача икки марта, Европа мамлакатларидагидан уч марта кам демакдир.

6. Никоҳнинг бекор қилиниш даражаси сўнгги 12 йилда 1,5 баробар пасайиб, 100 та никоҳга нисбатан 9,2 ҳолатни ташкил этади, бу эса Чехия ва Беларусдагидан 6 марта, Россиядагидан 7,5 марта, Қозоғистондагидан 3 марта, Туркманистон ва Қирғизистондагидан икки марта камдир.

7. Ўзбекистонда меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар 100 минг кишига 34,8 бола тўғри келса, бу кўрсаткич Россия, Украина ва Қозоғистонда 10 баробар кўпдир.

8. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида жиноятчиликнинг умумий даражаси учдан бирга камайиб, 2002 йилда 100 минг кишига нисбатан 298 ҳолатни ташкил этди. Шу даврда Россияда жиноятчилик икки баробар ўсди (100 минг кишига 2056 ҳолат тўғри келади). Украина, Молдова ва Қозоғистонда жиноятчилик даражаси Ўзбекистондагидан уч баробар юқори. Вояга етмаганлар орасида жиноят содир этиш ҳолатлари Ўзбекистонга нисбатан Россияда 15 баробар, Украинада 10 баробар, Қозоғистонда эса 6 баробардан кўпроқдир.

9. Экологик муаммоларга қарамай, республикамизда сил касали тарқалишининг олди олинди. Қозоғистонда сўнгги 12 йил ичида силга чалинганлар сони икки баробар ўсиб, ҳар 100 минг кишининг 155,5 нафари ушбу касалликка дучор бўлган, Қирғизистонда эса бу касаллик қарийб уч баробар кўпайган, шунингдек, ЮНИСЕФ экспертлари Туркманистон ва Тожикистонда ҳам мазкур хавфли хасталикка учраганлар кўпайиб бораётганлигини қайд этган.

10. Мамлакатимизда 25-39 ёшдаги (энг лаёқатли ёш) эркаклар ўртасида ўлим даражаси МДҲ мамлакатлари ўртасида энг кам кўрсаткични ташкил этади. Россия, Беларус ва Қозоғистонда бундай ҳолат республикамиздагига нисбатан икки баробар кўпдир.

11. Ўзбекистонда 17 ёшгача бўлган соғлом янги авлод 10 миллион 924 минг кишини ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича Болгария, Молдова биздан 10 баробар, Венгрия, Чехия, Туркманистон, Қирғизистон 5 баробар, Тожикистон 3 баробар, Қозоғистон икки баробардан кўпроқ орқада. Мамлакат келажаги бўлган ёш фуқаролар сони бўйича биз Украинадан ўзиб кетдик.

(ЎзА)

ХОРИЖИЙ БАНК КЎМАГИ

Осиё тараққиёт банки кўмаги билан Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежига 136 миллион сўмлик ўқув-ишлаб чиқариш воситалари келтирилди. Сўнгги русумдаги компьютерлар, теле ҳамда аудио аппаратуралар, тикув ва тўқув машиналари, лаборатория жиҳозлари коллежнинг ўқув хоналари, ишлаб чиқариш цехларига ўрнатилмоқда. Йил охиригача хорижий банк кредити ҳисобига коллежга жами 1 миллион АҚШ доллари қийматидаги шундай жиҳозлар олиб келиниши режалаштирилган.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

ДАВЛАТ ВА ДИН АЛОҚАЛАРИ

Самарқанддаги «Афросиёб» меҳмонхонасида мусулмон мамлакатларида давлат ва дин муносабатлари мавзуига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда ўнга яқин мамлакатдан келган дин намояндалари, уламолар иштирок этди.

Конференцияда аҳолиси мусулмон бўлган мамлакатларда давлат ва дин муносабатларига доир масалалар муҳокама этилиши билан бир қаторда, диний экстремизм ва унга қарши кураш чоралари бўйича фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Пойтахтимизда «Матбаа, фан ва таълимда медиа технологиялар» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Беш кун давом этган мазкур нуфузли анжуманни олий полиграфия ўқув юртларининг халқаро ассоциацияси ҳамда Тошкент давлат тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамкорликда ташкил этди. Унда хорижий давлатлардан келган таниқли олим ва мутахассислар, олий ўқув юртлари ректорлари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Юртимиз мустақилликка эришгач, матбаа саноати кенг ривожланди. Корхоналар акциядорлик жамиятларига айлантирилиб, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда, айниқса ўқув адабиётлари ва қўлланмаларни нашр этиш бўйича матбаа саноати салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Анжуманда мамлакатимизда ахборот технологияларини ривожлантириш дастури изчиллик билан амалга оширилаётгани, бу борада қабул қилинган муҳим ҳужжатлар иқтисодиётнинг барча жабҳаларини юксалтиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Абдуғани СОДИҚОВ

Ҳуқуқий ислоҳот

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚИ

Республикамизда ўтган давр ичида ҳаётимизнинг муҳим соҳаларини эркинлаштиришнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, хусусий мулк ҳамда тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Айниқса, 2001 йил октябрда кучга кирган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун жамият ва фуқаролар ҳаётида муҳим ўрин тутаётир.

Бу борада асосий муҳим бир янгилик — ярашув институтининг жорий қилинишидир. Бу институт республикада судланганлик ҳолатини камайтириш, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилинишига кенгроқ имкон яратди. Масалан, **қонун қабул қилинган кундан 2003 йилнинг 1 июлига қадар Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят, туман, шаҳар судлари томонидан 960 та жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилиб, 1040 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинди.**

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун шахс Жиноят Кодекси 66-1-моддасида санаб ўтилган жиноятларни биринчи марта содир этган бўлиши, ўз айбига иқрор бўлиши, жабрланувчи билан ярашиши ва жиноят натижасида етказилган зарарни бартараф этиши керак. Бу ҳолат ЎзР ЖПК 583-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми 2002 йил 25 октябрда қабул қилган «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорида ҳам батафсил акс этди. Унга кўра, ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин.

Олайлик, иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги иш юритилади. Ана шундан сўнг айбдор шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинади. Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этиши учун бир неча шахс жалб қилинган бўлиб, барчаси билан ҳам ярашувга эришилмаган бўлса, ярашувга эришилмаган гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга тааллуқли материаллар ажратилади ва улар бўйича иш юритиш умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

ЖПК 584-моддасига асосан суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумон қилинувчининг, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради. Қарор чиқарилганидан кейин уч сутка ичида иш прокурорнинг розилиги билан судга юборилиши лозим. Уларнинг розилиги бу институтнинг асосий талабларидан ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи рози бўлмаса, иш юритиш умумий белгиланган тартибда олиб борилади.

Аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт. Муайян ишлар бўйича юқоридаги органлар томонидан қонуннинг мазкур талаблари жабрланувчи ёки унинг қонуний вакилларига тушунтирилган бўлишига қарамасдан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи жиноий жавобгарликдан озод қилинганларидан сўнг шикоят қилиш ҳоллари учраб турибди. Ачинарлиси шундаки, аксарият шикоятларда етказилган зарар қопланмаганлиги қайд этилади. Тўғри, кўп ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида ваъдаларни бериб, тегишли органга ярашув тўғрисида ариза тақдим этиб туришларини илтимос қиладилар ва ўз ваъдалари устидан чиқиб, уларга етказилган зарарни тўлайдилар. Лекин баъзида бунинг акси бўлиб чиқади. Ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг «ишим битди» қабилида зарарни қоплаш тўғрисидаги ваъдаларини эсдан чиқарадилар. Шу сабабли ярашув тўғрисидаги ариза тақдим этишдан олдин жабрланувчи айбланувчидан етказилган зарарни талаб қилиб олсалар ва шундан сўнггина ярашув тўғрисида ариза тақдим этсалар, кейинги шикоятларга ўрин қолмаган бўлар эди.

ЖПК 585-моддаси талабига кўра, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келиб тушган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилиши, суд мажлисида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячилари, прокурор иштирок этиши лозим. Албатта, бу борада суд томонидан ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабаблари, гумон қилинувчи, судланувчининг ўз айбига ихтиёрий иқрор бўлганлиги, улар қилмишининг оқибатларини англаганлиги ва етказилган зарарни бартараф этиш чораларини кўрган-кўрмаганликлари, жабрланувчига ёки гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлганбўлмаганлиги, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалаларни ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва уларнинг қонуний вакилларининг ярашувга розиликларини аниқлаши шарт.

Агар суд мажлиси давомида айбга иқрор бўлиш ихтиёрий эмаслиги, зарарни қоплашдан бош тортиш, шунингдек содир этилган жиноий қилмишда оғирроқ жиноят таркиби белгилари мавжудлиги аниқланган бўлса, суд дастлабки тергов юритилиши учун ишни прокурорга қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради.

Хуллас, ярашув битимининг жорий этилиши инсонларни жазолаш орқали эмас, ҳимоялаш орқали тарбиялашдек халқимизнинг қадимий анъаналарига содиқлигимизни ифодалайди.

Абдулҳаким ТЎРАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг судьяси

МИРОБНИНГ ҚИРҚ БЕШ ТОННАСИ

Намангандa пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини уддалаганлик тўғрисидаги биринчи хушхабар Тўрақўрғон туманидан келди: «Ибрат» ширкат хўжалигидан Садриддин ҳожи Нуриддинов бошчилигидаги фермер хўжалиги 10 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан биринчи теримдаёқ 37,5 центнердан хирмон кўтариб, режани ортиғи билан бажарди.

Ёши етмишдан ўтган, ярим асрдан буён сув хўжалиги тизимида ишлаб келган, ҳозирги кунда Тўрақўрғон насос станциялари раҳбари Садриддин Нуриддинов ўтган йил охирларида ширкат хўжалиги раиси Олимжон Бозоровга 10 гектар ер сўраб мурожаат қилди.

— Фермерлик қилмоқчимисиз? Ерларимиз ҳосилдорлиги 36 центнерданга чиқиб кетганлигини биласизми?

— 40 центнерданни тарозидан ўтказиб олаверасиз... Ҳар қалай олим-агроном дипломимиз ҳам бор.

Хуллас, Елхон участкасидан ўн гектар ер ажратилди. Халқда «Нонни катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма» деган нақл бор. Гапни катта гапириш учун катта иш қилишга қодир бўлишинг керак. Садриддин ака тупроқнинг ҳолатини ўрганиб, ерга чигит экишдан олдин суперфосфат солди. Сўнг боболар тажрибасини қўллаб, мол, қўй, товуқ чиқиндиларидан 25 тонна аралашма ўғит тайёрлади, тупроқни обдон «сийлади».

Чигит вақтида бехато униб чиқди. Кейин гектарига 850 килодан минерал ўғит ҳам берилди. Мавсумда олти марта культивация қилиш, оби-тобида суғориш кутилган самарани берди: ҳосил мўл бўлди. Ёппасига очилган пахта биринчи теримдаёқ гектарига ўттиз етти ярим центнерданни ташкил этди.

— Иқтисодий самарадорлик қандай? — деган саволимизга Садриддин ака жавоб берди:

— Банкдан беш миллион тўрт юз минг сўм пул олдик. Шундан то теримга тушилгунча 3 миллион 400 минг сўм сарфланди. Икки миллион сўмимиз бор эди. Терим мавсумида ҳар кило пахтани теришга 31 сўмдан беришимиз керак. Ҳозиргача солиқларини чиқариб иш ҳақини 24 сўмдан нақд бердик. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, теримга бир миллион олти юз минг сўм атрофида сарфлаймиз. Давлат ҳар тонна пахтага 225 минг сўмдан пул беради. Агар ҳосилдорликни 40 центнердан деб олсак, 9 миллион сўм бўларкан. Умидимиз эса 45 дан. Фойда-зарарини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

Ана шу оддийгина ҳақиқат замирида, яъни Мустақиллигимизнинг илк кунларидан буён Президентимизнинг ерни ўз эгаларига бериш ҳақида кўрсатмалари нечоғлик ҳаётий экани қатрадаги қуёш каби акс этиб турибди. Ўн гектар ерда пахта етиштирган фермер тўрт миллион сўм соф фойдага эга бўладиган бўлса, қишлоқ хўжалигининг истиқболи фермерлик ҳаракатига боғлиқ эканига қандай шубҳа бўлиши мумкин?!

Ҳабибулла АБДУЛЛАЕВ

✧✧✧

Суратда: (ўнгда) Садриддин ҳожи Нуриддинов сувчи, республикада ҳизмат кўрсатган пахтакор Матисоқ Холмирзаев билан пахтаси териб олинган пайкалда.

Хотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат

Эртага биринчи фазогир коинотга учади

Хитойда чоп этиладиган «Чутян ду жибао» газетасининг хабар беришича, эртага эрталаб соат 9^{00} да Хитой тарихида биринчи марта «Шэньчжоу-5» («Сеҳрли кема-5») фазо кемаси бортида инсон билан коинотга кўтарилади ва Ер орбитасида 21 соат парвоз этади.

Эртасига, яъни 16 октябрь куни эрталаб соат 6^{00} да ерга қайтиб тушади.

Шанхайдаги «Цзефан жибао» газетасида ёзишларича, кема Ер орбитасини 14 марта айланади. 6 йиллик тайёргарликдан ўтган уч номзоддан бири фазогирликка танланди. Ҳозирча фазогир ҳақидаги маълумотлар ошкор этилмаяпти.

Космодром жойлашган Гансу музофотида ҳавонинг совиб кетиши кема парвозига таъсир этолмаслигини экспертлар қайд этишмоқда.

Агар биринчи учиш муваффақиятли якунланса, Хитой янги фазовий дастур устида иш бошлайди. Яъни, фазовий станцияни яратиш, кейинги уч йил ичида Ойга фазовий зонд учириш, 2020 йилда эса Марс сайёрасига космик лаборатория учириш режаларини амалга ошириш борасида саъй-ҳаракатлар бошлаб юбормоқчи.

Энг ёш миллиардерлар

Fortune журнали АҚШдан ўзга мамлакатларда яшаётган, 40 ёшгача бўлган 40 нафар энг ёш миллиардернинг рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, биринчи ўрин Чукотка губернатори Роман Абрамовичга насиб этди. Унинг сармояси 8,3 миллиард долларни ташкил этаркан. Журналда яна 4 россиялик ёш миллиардернинг ҳам номлари қайд этилган. Улар Михаил Фридман («Альфа» гуруҳи — 2,4 миллиард доллар), Михаил Прохоров («Норникел» — 2,1 млрд. доллар), Олег Дерипаска («Базовый элемент» — 1,8 млрд. доллар) ва Евгений Швидлер («Сибнефть» — 1,6 млрд. доллар)лардир.

«Бойваччалар рўйхати»нинг юқори ўринларида қуйидагилар ўрин олган: Швейцариянинг Serono биотехнология «гигант»ларидан Эрнест Бартарелли (5,6 млрд. доллар), BMW вакили, немис Стефан Квандт (5,1 млрд. доллар), Grupo Televisa испанзабонли йирик медиагуруҳидан мексикалик Эмилио Азкаррага Жан (1,6 млрд.) ҳамда Birla Group соҳиби, ҳинд Кумар Бирла (1,3 млрд.).

«Музлатиб» қўйишга рози

Голландия касаба уюшмалари конфедерацияси янги таклиф билан чиқди: агар ҳукумат қатъий иқтисодиёт дастуридан воз кечса, мамлакатда маошлар ўсиши даражаси 2 йил давомида «музлатиб» турилишига конфедерация рози эканлигини билдирди.

«Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, ҳукумат дастури кейинги 4 йил давомида бюджет харажатларини 17 миллиард еврога қисқартиришни кўзда тутади. Касаба уюшмаларининг фикрига қараганда, қатъий иқтисодиёт дастури биринчи галда пенсиялар, вақтинчалик ишга яроқсизлик ва ишсизлик учун тўланадиган нафақалар қисқартирилишини ўз ичига олади. Шу кунларда Голландияда ишсизларга давлат томонидан тўланадиган нафақа бир ойга ўртача 1000 еврони ташкил этади.

Бугун жамоалар меҳнат шартномасининг янги матни ҳақида келишув музокаралари бошланади. Шунинг учун ҳам конфедерация бу борада ўз таклифини ўртага ташлади. Маълумки, ҳар йили мазкур шартнома турли тоифадаги меҳнаткашларнинг иш ҳақи келишилган фоизларда оширилишини кўзда тутарди. 2004 йилда эса маошлар 1,25 фоизга оширилишини талаб этиш режаланаётган эди, аммо конфедерация бу талаб ва режадан воз кечди. Натижада шунинг ўзидан мамлакат 800 миллион евро иқтисод қилишга эришади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳукуматнинг бюджет харажатларини қисқартириш режасига норозилик билдириш учун касаба уюшмалар конфедерацияси ўтган ҳафтада йирик шаҳарларда жамоат транспорти ҳайдовчиларининг иш ташлашини уюштирди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Амстердам, Утрехт ва бошқа шаҳарларда жамоат транспорти маълум муддат ҳаракатдан тўхтади. Ўтган жума куни эса Амстердамда метро, автобус ва трамвайлар уч соат тўхтаб қолди. Шанбада ҳам барча транспорт воситаларининг ҳайдовчилари бир неча соат иш ташлаш ўтказдилар. Бу каби иш ташлашлар яна қанча давом этиш-этмаслиги бугунги келишув музокараларининг натижаларига боғлиқ.

НУКУСНИНГ «ҚИРМИЗИ ДОНИ»

Кейинги уч йилдаги сувсизлик, қурғоқчилик деҳқонларимизнинг эсидан чиққани йўқ. Улар бир томчи сувнинг қадр-қимматини яхши билишади. Бор сувдан тежаб-тергаб фойдаланиб, шоличиликнинг илғор технологияларига амал қилиб ишлаётган шоликорларимиз бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирдилар.

Нукус тумани шоликорлари 7500 гектар майдондан 9190 тонна шоли етиштириб, шартнома режасини ошириб бажардилар. Шундан товар шоли 2190 тонна, уруғлик шоли эса 7000 тоннага етказилди. Ҳар гектар майдондан ўриб-янчиб олинган шоли 37-38 центнердан ошди. «Шўртанбой» ширкат хўжалигидан Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган шоликор Рисназар Жуманазаров, Қилич Абдирасулев, Мирзабой Юсупниёзов, «Кердер» ширкат хўжалигидаги Достан Холмуратов, Давлатмурат Сейтмуратов, Кенжебой Аллабергенов, Деипназар Алланазаров бошлиқ ижарачиларнинг ҳар гектар майдондан олган ҳосилдорликлари 45-55 центнерга тўғри келаяпти.

Шоли тайёрлаш шартнома режаларини ошириб бажаришда «Нукус», «Дорсен», «Қутанқўл», «Ақмансат» хўжаликлари муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ОЛҚИШ ОЛГАН ТАДБИРКОР

Чуст тумани «Пансада» маҳалла марказига тадбиркор Одилжон Муллажонов ўз маблағи ҳисобидан 40 миллион сўм сарфлаб, замонавий услубда маҳалла гузари қурди. Йигирма нафар ёш иш билан банд бўлди.

Гузарда чойхона, ошхона, новвойхона, тўйхона, қандолатчилик цехи, сартарошхона, музқаймоқ ва савдо дўконлари фаолият кўрсатаяпти.

— Маҳалламизда 5260 киши истиқомат қилади, — деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Орифжон Маъруфжонов **«Туркистон-пресс»** мухбирига. — Сой бўйига қурилган ушбу гузардан айниқса маҳалла кексалари хурсанд бўлишди. Чунки, катта-кичик тадбирларни шу ерда ўтказяпмиз. Кам даромадли оила фарзанди Музаффар Исмоиловнинг никоҳ тўйи шу ерда ўтказилди. Одилжоннинг савоб ишлари фақат бугина эмас. Маҳалламизда кўп йиллардан буён Бозорбой Иброҳимовнинг икки кўзлари кўрмас эди. Одилжон у кишини Тошкентга олиб бориб даволатди. Ёруғ жаҳонни кўраётган Бозорбой ундан бир умр миннатдор. Одилжонга ўхшаган тадбиркорлар маҳалламизни обод қилишмоқда.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Тошкент вилоят ҳокимлиги «Ҳамдўстлик» халқаро аёллар клуби билан ҳамкорликда «Мустақиллик. Маданият. Халқаро ҳамкорлик» мавзуида анжуман ўтказди.

Ушбу тадбирда вилоятнинг ишлаб чиқариш илғорлари, маҳаллалар фаоллари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 15 дан зиёд хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилот вакиллари иштирок этдилар. Анжуманда сўзга чиққанлар юртимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида пойтахт вилоятининг ҳам ўзига хос ҳиссаси борлигини, жамиятдаги ислоҳотлар самараси ушбу вилоятда ўз аксини топаётганлиги ҳақида тўхталдилар.

Мустақиллик йилларида вилоятда саноатнинг кон-металлургия, машинасозлик, энергетика, кимё, тўқимачилик, пахта тозалаш ва пойабзал ишлаб чиқариш каби кўплаб етакчи тармоқларида юксалиш кузатилди. Кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса ўз навбатида, вилоятга кўпроқ хорижий сармояларни жалб этиш, янги қўшма корхоналар барпо қилиш каби имкониятларни очиб берди. Бунинг самараси туфайли вилоятда пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик ҳамда боғдорчиликда талай ижобий натижалар қўлга киритилаётир.

Тадбиркорлар, чет эллик дипломатлар ва вилоят раҳбарияти ўртасида ўтказилиб туриладиган бундай норасмий мулоқотлар кичик ва ўрта бизнес ривожида муҳим омил бўлмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ГАЛАОСИЁДА ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖ

Галаосиё қурилиш касб-ҳунар коллежини бош пудратчи — «2-вилоятжамқурилиш»га қарашли «47-механизациялашган кўчма жамланма» ҳиссадорлик жамияти жамоаси қайта таъмирлаб, замонавий тарзда жиҳозлади. Мазкур жамоа томонидан шартнома нархи 744 миллион сўмлик иш бажарилган замонавий коллежда айни пайтда ихтисосликлар яна иккитага кўпайди. Еттита касб йўналишида таълим олаётган ўғил-қизлар бу совғадан беҳад мамнунлар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Австрия кўчаларида

Кузатувчилар ишга шай

Маълумки, эртага Озарбайжонда президент сайловлари бўлиб ўтади. Шу муносабат билан хориждан келган барча кузатувчилар (920дан ортиқ) Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинди.

Озарбайжон Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Озер Сариевнинг «Новости» агентлиги мухбирига хабар беришича, кузатувчиларнинг 622 нафари Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар бюроси вакиллари, 155 нафари МДҲ ва 30 нафари эса Европа Иттифоқи вакилларидир.

Буюртма қотиллик билан шуғулланган

Германияда чоп этиладиган «Берлинер цайтунг» газетаси хабар беришича, собиқ ГДРнинг давлат тизимида мамлакат ичкарисида ва хорижда буюртма қотилликни амалга оширадиган махфий бўлинма — киллерлар гуруҳи фаолият кўрсатган экан. Бир неча йиллардан бери олиб борилган қидирув-тергов натижаларидан сўнг ГФР бош прокуратураси шундай хулосага келган ва бу ҳақда кенг жамоатчиликка ахборот берди.

Маълумотларга қараганда, яқинда мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Берлинда яшовчи 53 ёшли бир кишини қўлга олганлар. У 1976 йилдан 1987 йилгача махсус киллерлар бўлинмасида хизмат қилган. У бир неча қотилликларга алоқадорликда гумон қилинмоқда.

Газетада ёзишларича, «буюртма қотиллик учун буйруқлар ГДР махсус хизмати қўмондонлиги ҳамда олий партия ҳукумати раҳбари шахсан Эрик Хонеккер томонидан берилган».

Мамлакатдан ташқарида амалга оширилган қотилликларидан бири — таниқли швед тележурналисти Кетс Фалькнинг сирли ўлими ҳақида газета алоҳида тўхталади. Унда қайд этилишича, Швецияда машҳур бўлган бу журналист 1984 йил 19 ноябрда дугонаси Лена Граенс билан сирли ғойиб бўлади. Ярим йилдан сўнг уларнинг жасади Стокгольмдаги Хаммарбю канали тубидан автомашинаси билан топилади. Ўша пайтда бунга бахтсиз ҳодиса, деб баҳо берилади ва тергов иши очилмайди.

Аслида эса, ГФР бош прокуратураси олиб борган текширув натижаларига кўра, ГДРдан ГФР ва Дания орқали Стокгольмга келган уч кишидан иборат киллерлар гуруҳи тележурналистни гумдон қилади.

Сабаб: маълумотларга қараганда, Кетс Фальк халқаро контрабанданинг изига тушади, яъни Швециядан Болтиқ денгизи орқали Шарқий Германиянинг Росток портига махфий равишда олиб келинган қурол-аслаҳа ва компьютерлардан иборат контрабанда маҳсулотларини фош этмоқчи бўлган. Мазкур маҳсулотлар бу ердан Эронга жўнатиларди. Эрон ўша пайтда Ироқ билан урушга тайёрланаётган эди.

Биринчи контингент

Либерия пойтахти Монровияга Бангладешнинг 800 кишилик тинчлик кучлари контингенти жўнатилди. Улар Африка қитъасидан ташқари ўлкалардан Либерияга келган биринчи контингент бўлиб, бу тинчлик кучлари шу пайтгача Либерияга қўшни Сьерра-Леонеда хизмат бурчини ўтаётган эди.

«Улар порт ҳудудида фаолият олиб борадилар», деди БМТ матбуот котиби Маргарет Новички.

Миллат ва маънавият

КУТУБХОНА ҲОКИМ ЭЪТИБОРИДА

Нақл қилишларича, Мирзо Улуғбек ҳазратлари боши узра қилич кўтарилган сўнгги дамгача тенгсиз хазинаси — умри давомида йиққан китоблари тақдирини ўйлаган, изтироб чеккан экан. Яна айтишларича, суюкли шогирди Али Қушчи китобларни сандиқларга жойлаб, қандайдир ғорга яшириб қўйган эмиш. Афсонанинг ўз зайли бор, аммо ҳануз шу хазина топилмаяпти.

Бу гапдан муддао шуки, баъзан ўзимиз эга бўлган хазинани унутиб қўямиз. Кутубхоналарнинг қаровсизлиги, янги китобларнинг камлиги, маблағ ажратишга келганда, оғринишимиздан кўз юмиш керакми?

Қашқадарё вилоятига янги ҳоким тайинлангач, биринчи навбатда Қарши шаҳридаги Сайидо Насафий номидаги вилоят марказий кутубхонасидан хабар олгани, курилишга, молияиқтисодга ҳамда маънавиятга дахлдор рахбарларни ҳам таклиф қилганидан айримларнинг ажаблангани рост: ахир, томи тешилган, аҳволи ночор кутубхона учун ташвиш чеккандан кўра, бозор, кўприк, йўл каби дарров кўзга ташланадиган иншоотлар қурилишига эътибор қаратса бўлмасмикан, деганлар ҳам бўлди. Йўқ, ҳоким ўйлаб иш қилаётган эди, кутубхонага яна бир неча бор келди. Чекка қишлоқлардаги кутубхоналар, спорт иншоотлари аҳволидан ҳам ўзи хабар ола бошлади. Хуллас, ўйланган тадбирларнинг дастлабки нишоналари кўринди.

Ташкил этилганига 60 йил тўлаётган марказий кутубхона яшариб кетди. Қайта таъмирланган зиё масканида ўтказилган тантанада вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев фақат иқтисодиёт эмас, маънавият ҳам тараққиёт устунларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Айнан шу туфайли кутубхонани таъмирлаш ишларига ҳеч оғринмай 250 миллион сўм, янги адабиётлар, жавонлар учун яна 80 миллион сўм маблағ сарфланди. 32 та компьютер, нусха кўпайтириш аппаратлари олиб берилди. Айни пайтда кутубхонанинг китоб жамғармаси 368,5 минг нусхани ташкил этмоқда. У бошқалар учун илмий-услубий марказ вазифасини ўтайди. Энди адабиётларнинг электрон каталоги шакллантирилмоқда. Кутубхонада Президент асарлари ҳамда миллий истиқлол ғоясини ўрганиш, демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти маркази ташкил этилди. Шу куни мазкур марказнинг дастлабки машғулоти бўлиб ўтди.

Тантанада Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоиримиз Абдулла Орипов иштирок этди ва ўзининг 4 жилдли китоблар мажмуини кутубхонага ҳадя қилди. Шу куни мактаблардан кутубхонага ташриф буюрган 54 нафар аълочи ўқувчи Президент асарлари билан тақдирланди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Шеър ва шуур

ДУНЁНИ БЕЗАТАР ЭКАН ЭЗГУЛИК

УСТОЗЛАРГА

Сизга аталмаган шоҳ сўз қолмади,
Миннатдор боқмаган ҳеч кўз қолмади.
Турфа гул тутмаган наврўз қолмади,
Мен энди нима деб мақтай, устозлар?!

Полапонлар Сиздан ўргангай парвоз,
Қалбидан жой олиб эзгу сўзу соз,
Умрига бахш этур мангулик пардоз
Қай бир хислатингиз айтай, устозлар?!

Дунёни безатар экан эзгулик,
Сизнинг меҳнатингиз бунда сезгулик.
Номингиз зарҳалда битиб ёзгулик
Навоий нақш этган байтдай, устозлар.

Дунёдан орттирган ганжингиз — «Салом!»
Кўзлардаги меҳр, самимий калом,
Умрингизга бадал — элдан эҳтиром
Хазина яширган тоғдай, устозлар.

Сиз барчага бир хил меҳр бағишлаб,
Бир хил илму зако, сеҳр бағишлаб,
Ҳаётга бошлайсиз дастидан ушлаб,
Шу касбингиз туйиб бахтдай, устозлар.

Солиҳ шогирдлардан кўкда бошингиз,
Фосиқларин кўриб кўзда ёшингиз.
Заминга менгзайман, куч, бардошингиз,
Ўзга қандай тавсиф этай, устозлар?!

Яхшидан — яхшининг чиқмоғи аён,
Илондан — илону, чаёндан — чаён,
Бунда айбдор эмас, устоз бегумон,
Ким ёвуз ўстирар атай, устозлар.

Мен ҳам меҳрингиздан унган ниҳолман,
Мудом қошингизда таъзимда долман,
Амрингиз тутгувчи боладай чолман
Қадрингиз осмондай сақлай, устозлар.

Орзум Сиздан ўтган хислатим билан,
Она юрт, халқимга хизматим билан.
Эзгулик йўлида заҳматим билан,
Берган таълимингиз оқлай, устозлар.

ҲАЙВОНОТ БОҒИНИНГ ХОДИМИ

Ҳайвонот боғининг оддий ходими
Емиш тарқатардим жониворларга.
Таниш бўлиб қолган босар одимим
Кучукчадан тортиб улкан норларга.

Малаканг шу бўлгач эртадан то кеч
Уларга яқинлик, меҳр уйғонар.
Силаб-сийпалайсан, этиб парвариш
Улар ҳам инсоний меҳрингдан қонар.

Шундай ўтиб борди кунлар ва ойлар,
Кучуклар ит бўлди, хўтиклар эшшак.
Қайдан ҳам билибман пайтини пойлаб
Ҳар бири ўзлигин кўрсатар бешак...

Ёшим ҳам қартайди,
Ҳордиққа чиқдим.
Оёқ тортиб қолди бир куни боққа
Ўзга бир оламга гўё йўлиқдим.
Бу ердаги кордан ушладим ёқа.

Битта силлиқ кучук — туриши башанг
Суйканиб юрарди меҳримга ташна.
Сийлаб боққан эдим
Шу итни қаранг,
Оёғимдан қопди ўзимга ташлаб.

Бу қандай кўргилик,
Ё, парвардигор,
Ит — вафо дегани шу бўлса наҳот?
Бошин сарак-сарак қилиб турар нор:
Боққанни таламоқ жоизми, ҳайҳот?!

Итлик қилди, дедим, чидадим, майли,
Энди кўринг битта нодон маймунни.
Виқор касб этганди меҳрим туфайли
Эт қўйган,
Пинхона кузатдим уни.

Панжара олдида тўпланган одам.
Қаҳ-қаҳ отар эди қилиқларидан.
Супурги, челакни олиб дамо-дам,
Ҳаракат қиларди менга тақлидан.

Ҳар бир одатимни кўчириб олмиш,
Белга қўлим тираб туришимни ҳам.
Томоша аҳлига севилиб қолмиш,
Билмадим йиғлашим, кулишимни ҳам.

Ҳафсалам пир бўлди бундай ноқисдан
Аста ўтиб кетдим қафаслар томон.
Паррандаларимга қараб, қўққисдан
Гулдираб кулишин кўрдим оломон.

Қарасам бир тўти айларди такрор,
Гап-сўзим, йўталим, сўкишим ҳатто.
Кўзларимга дунё бўлиб кетди тор,
Мени масхаралар нотавон...
Аммо
Бу ҳам ҳолва бўлди, тоғ-туздан келган
Ночор, ориқ эшшак кори олдида.
Топганим тутгандим кўп емиш егач,
Семирган шу хар ҳам тепиб қолди-да.

Худо фаросатдан қисган бу махлуқ,
Билмас ўз қилмиши оқибатини,
Унга дўст-душманнинг асло фарқи йўқ,
Ҳанграб оширмоқчи ўз қимматини.

Бохабар турганим гўшту сувидан
Шербаччам бор эди.
Шерлик касб этди.
Ҳа унга ихлосим кўнгил тубидан
Меҳр кутиб унинг қошига етдим.

Бугун теграсида шербаччалари,
Унга яқинлашмоқ бўлибдир душвор.
Содиқми, ё қўрқиб қизғанар бари
Яқинроқ борганни босмоққа тайёр.

Чўчидим, танимай бу шербаччалар
Мен дардим айтмоқчи бўлганим палла.
Ташрифимдан то Шер топгунча хабар,
Қилиб қўймасми, деб ичагим салла.

Хуллас умрим кечиб шу даргоҳ аро,
Сарҳисоб айласам бугун топганим:
На меҳримга меҳр, на зарра вафо
Биғъакс бўлмиш қўрқув, ташвиш ва ғаним.

Ҳар қалай яшадим, худога шукр,
Балки кўп дунёда мендай гўл одам.
Шукрона келтириб, қиламан фикр:
Ҳайрият, ҳайвонот боғимас олам.

МУҲАББАТ БОҒИДА...

Худо бандам деса, бир бандадирман,
Насибам қандадир — ман андадирман.
Ўзи ушшоқ аро танҳо яратмиш
Муҳаббат боғида арзандадирман.
Муҳаббатсиз авом саҳрода эрса,
Ҳамиша яшнаган гулшандадирман.
Дилим мулкига сен соҳиб эрурсан
Жамолингни кўриб пурхандадирман.
Агар жисмим билан бўлсам ўзимда
Дилу жоним билан ёр, сандадирман.
Шу боис эл аро достон бўлибман,
Мисоли беназир хонандадирман.
Намангандан агар топмас эсангиз
Демангиз беқарор — Тошкандадирман.
Ҳабибман дўстларим ушшоқ элига
Магар шоҳман, магар бир бандадирман.

АЁЛ МАКРИ

Мудом чулғаб олар мени бир хаёл:
«Аёл макрин зўрға кўтарар қирқ хар»
Қайдан кашф этарди макрни аёл
Панд бериб кетмаса номард эркаклар.

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)
MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 26-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Navbatchi Zayniddin MAMADALIYEV
Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 961
7662 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 01.20
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Маҳсулот — Ўзимизники, Ўзбекистонники!

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Тошкент шаҳридаги «Ўзкўргазмасавдо» марказида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли молларининг минтақавий кўргазмаси давом этмоқда. «Ўзбексавдо» ташкил этган улгуржи ва чакана савдо кўргазмаси павильонларидан Ўзбекистон енгил саноати, «Ўзбек ипаги», «Ўзбек чарм пойабзали», «Ўзозиқовқатсаноати», «Ўзбек қоғози» «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» каби вазирлик, компания ҳамда концернларга қарашли корхоналар тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўрин олган. Кўргазмага келган харидорлар маҳсулотларни нафақат шартнома асосида, балки чакана ва улгуржи тарзда ҳам харид қилишмоқда.

❖❖❖

Суратларда: кўргазма павильонларида.

ЭЗГУЛИККА ЭШ БЎЛАЁТГАНЛАР

Узун туманидаги 3-истеъдодли болалар мактаб-интернати барча қулайликларга эга илм масканларидан биридир. Бу ерда ёшларга иқтисодиёт, чет тили ва информатика фанларидан чуқур билим бериляпти.

— Яқин кунларга қадар муаммоларимиз йўқ эди, — дейди мактаб-интернат директори Турсунали Ҳидиров. — Лекин, замон шиддат билан ўзгармоқда. Дастлаб 50 ўқувчи қабул қилинган ушбу даргоҳда бугун 290 нафар ўқувчи билим олмоқда. Шу боис, ошхона муаммоси бизни қийнай бошлади. Вилоят халқ таълими бошқармаси мутасаддилари ташаббусимизни қўллаб-қувватлаб уч миллион сўм маблағ ажратди. Ота-оналар ва ўқитувчилар ҳам савобли ишга бош қўшишди. Хуллас, 4,5 миллион сўмга 300 ўринга мўлжалланган ошхона қад кўтарди. Унда омборхона, дам олиш ва тиббиёт хоналари ҳам мавжуд. Келажакда эса ўн миллион сўмга 100 ўринли ётоқхона қуриш кўзда тутилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳикматли сўзлар маъноси

Йигитдан деган эр бўлур, меҳнат кўрса шер бўлур

«Марднинг марди майдонда синалар, Йигитнинг йигити — меҳнатда»; «Йигит иш бичувда билинар, Туя — сув кечувда» (Туя бошқа ҳайвонларга нисбатан сувга ожиз бўлади. У сузишни билмайди. Оёғи сув тубидан кўтарилди дегунча, оқиб кетади. Шунинг учун ҳам туя саёз сувлардангина кечиб ўта олади. Иш бичмоқ — ишнинг режасини билмоқ, маъносида); «Эр бойлиги — йўлда, Сўз бойлиги — тилда»; «Йигит моли — ерда» («Агар у меҳнат қилсагина, машаққатларга чидасагина ердан бойлик ундира олади», дейилмоқчи).

Йигитнинг сазоси сингунча, хўкизнинг шохи синсин

Сазо — илтимос, илтижо. Ота-боболаримиздан қолиб келаётган бир қадимий одат борки, йигитларни ниҳоятда ҳурмат қиладилар. Уларнинг сўзини ерда қолдирмайдилар. Агар йигитлар қариялардан: «Бирор нарсани айтиб беринг, чалиб беринг, ижро этиб беринг ва ҳоказо» деб илтимос қилсалар, қариялар юқоридаги мақолни келтириб, уларнинг илтимосини бажо қиладилар. «Йигитнинг сазоси сингунча, Шайтоннинг бўйни узилсин»; «Йигитнинг сазоси ўлгандан — ўзи ўлган ортиқ»; «Йигит кўнгли — подшо»; «Йигит кўнгли ипакдир, бир чигилса чўзилмас»; «Йигитнинг хуни — юз йилқи, Ори — минг йилқи»; «Йигитнинг хўрлиги — ўлимдан қаттиқ».

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашлари депутати **АБДУЛЛАЕВ Меликўзи Абдуллаевич**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан, марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Орамиздаги одамлар

ЮРАКДАГИ ЁРУҒЛИК

Устоз — кўнгилдаги кўзгуга ўхшайди. Бу кўзгуни жонингнинг қатларида ўзинг билан олиб юрасан. У қўлингда эмас, уни ерга тушириб юборолмайсан. Токи ҳаёт экансан, у юрагингда юз очган офтобдек порлаб тураверади. Сени яшашга, яратишга, севишга чорлайди. Қоқилишдан, йиқилишдан асрайди. Хато қилмоқчи бўлсанг бу кўзгу ўзингга ўзингни кўрсатади.

Кўз очган ирмоқнинг оқар йўлларида қандай тўсиқлар борлигини билиш қийин. Жафокаш устоз эса тўсиқларни нигоҳлари билан кўриб туради. Тафаккур тиғи билан йўлингни равон қилади. Сени ўз бағрига чорлаётган сокин дарёга ўхшайди, устоз!

Нўъмон Насимов! Самимийликни ўзига яраштириб яшаётган бу инсонни республикамиз қалам аҳлининг ёши улуғлари яхши билишади. Тошкент вилоятининг журналистлари эса ўзларининг севимли устозлари сифатида қадрлашади.

Яхши одам ҳақида ёзмоқчи бўлсанг сўз қидирмайсан. Сўз сени қидиради.

Нўъмон ака қўлига қалам олганда қаршисига қўйган оқ қоғозга доғ туширмаган инсон. Қолаверса, қалб амри билан қалам тутгани учун журналистиканинг энг оддий ва сермашаққат иши — мусаҳҳиҳликдан муҳаррирликкача бўлган йўлни сабр ва матонат, касбга садоқат билан босиб ўтган. Бугун ана шу умр йўлига солинган назар кўнгилни тоғдек кўтаради. Бу йўл ҳалол меҳнат йўли. Устоз эса ҳамон йўловчи. Тошкент вилоятининг энг чекка қишлоқларигача у кишининг қадами етиб борган. Ўша жойларда яшаётган камтаринлик унвони, ҳаёти меҳнат билан ўтаётган оддий одамлар ҳам Нўъмон Насимов номини ҳурмат билан тилга олади. Қайсидир йили ундан кўрган меҳр ҳақида жўшиб гапиради.

Нўъмон Насимов учун шунчаки кун ўтказиш ёт. Агарда ўн йилдан зиёд «Тошкент ҳақиқати» газетасига муҳаррирлик қилиб, ёши олтмишга етганда ҳурмат ва эътибор билан жойини ўз шогирдларига топширган бўлсалар, ҳозирда Тошкент вилояти «Нуроний» жамғармасининг раиси. Ёшларга барча жабҳаларда ҳаёт тажрибасини ўргатишдек хайрли ишларга бош-қош.

Нўъмон ака дуога қўл очганларида «Илоҳим барчангизни Оллоҳ азизу мукаррам қилган бўлсин», дейдилар. Ўзлари ҳам бугун фарзандларининг меҳрибон отаси, набираларининг севимли бобоси сифатида азизу мукаррамликнинг шоҳсупасидалар.

Устоз босиб ўтаётган нурли йўл ёш журналистлар учун ибрат мактабидир.

Маҳмуд ТОИРОВ

СЎЗАНА — ТАРИХ ВА МАДАНИЯТ СОЛНОМАСИ

АҚШнинг халқаро миқёсда маданиятлар мулоқотини тарғиб этувчи Saudi Aramko World журналида миллий ҳунармандчилигимиз фахри — каштачилик ва сўзана санъати хусусида кенг қамровли мақола чоп этилди.

Мақола муаллифи, америкалик журналист Кэролайн Стоуннинг таъкидлашича, сўзаналарда тасвирланган жилолар, табиат манзаралари ҳамда нақшинкор безаклар дунёнинг турли мамлакатлари маданиятида ҳам акс этади.

— Бу эса ўз навбатида қадим замонлардан бошлаб сўзана ватани — Ўзбекистоннинг жаҳон саҳнасидаги марказий аҳамияти, хорижий ўлкалар билан фаол ҳамкорлигининг нишонасидир. Айрим безакларнинг қадим замонларда яшаб ўтган ибтидоий одамлар томонидан кўҳна ғорлар ва тоғу тошларда чизиб қолдирилган тасвирларга ўхшашлиги сўзаналарнинг тарих ва маданият солномаси эканидан ҳам далолат беради, — дея таъкидлайди К.Стоун.

Журналист сўзана тарихи хусусида фикр юритар экан, хатто Испания қиролининг Амир Темур саройидаги элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг мазкур мўъжаз санъат тури хусусида ёзиб қолдирган илиқ хотираларига алоҳида тўхталиб ўтади.

Мақола якунида К.Стоун хоним ҳозирги пайтга келиб мамлакатимиз раҳбариятининг халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатини асраб-авайлаш сингари саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ эканини таъкидлайди.

Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ,
«Жаҳон» АА

Интер-спорт

Қитъа чемпионати қатнашчилари

Ўтган шанба куни Европа футбол чемпионатининг сўнгги саралаш учрашувлари ўтказилди. Чемпионат мезбони — Португалия терма жамоаси қаторига Франция, Дания, Чехия, Швеция, Германия, Греция, Англия, Италия ва Швейцария футболчилари ҳам қўшилди. Бу жамоаларнинг ҳар бири ўз гуруҳларида ғолиб бўлган. Энди гуруҳларда иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар ўртасида чемпионатнинг финалига йўлланма олиш имкониятини берадиган учрашувлар бўлади. Жумладан, Словения, Норвегия, Нидерландия, Россия, Латвия, Шотландия, Испания, Туркия, Хорватия, Уэльс терма жамоалари ўртасида ўтказилган учрашувлардан кейин чемпионат финалига борадиган яна бешта жамоа номи маълум бўлади. Қайси жамоанинг қайси мамлакат футболчилари билан учрашиши эса кеча Франкфурт шаҳрида ўтказилган қуръа ташлаш маросимидан кейин аниқланди.

Фаромушлиги панд берди

Англия терма жамоаси аъзоси, «Манчестер Юнайтед» клуби ҳимоячиси Рио Фердинанднинг жамоадан ҳайдалиши мумкинлиги ҳақидаги гаплар тарқалган. Бунга сабаб, 23 сентябрь куни у ўтиши лозим бўлган қон текшириш назоратини унутиб қўйганидир. Фердинанд бундай ўзига хос имтиҳондан 3 кун кечикиб ўтган. Бунга уй шароити сабаб бўлганмиш. Мамлакат футбол уюшмаси имкониятни бой берган ўйинчини терма жамоага қўймасликни бош мураббий Свен-Ёран Эрикссонга топширди. Футболчига бўлган бундай муносабат унинг жамоадошларини ғазабга келтирди. Улар сафарда Туркия билан бўладиган сўнгги саралаш учрашувидан бош тортишди. Кейинги музокаралардан сўнггина учрашувга рози бўлишди.

Фердинанд 2 йил муҳлат билан жамоадан ҳайдалиши мумкин экан. Ҳозир у энг бой футболчилардан саналиб, рейтинги бўйича тўртинчи ўринда турибди. Сармояси 9,62 миллион еврога тенг.